

## **VI бoб**

# **САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

### **6.1. Самарадорлик саноат ишлаб чиқаришининг «кўзгуси» сифатида.**

#### **Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти**

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, калажакда эса, уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Мустақилликка эришилганлиги, қудратли иқтисодий ва илмий-техник салоҳият яратилаётганлиги, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўйди. Бинобарин, Республика Президентининг маъруза ва нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва аҳамияти, долзарб муаммолари, иқтисодиётни экстенсив ва интенсив тараққиёт йўлига ўтказиш муносабати билан келиб чиқадиган устувор вазифалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб берилмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи (узайтирувчи) ва зўр

берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив сурутда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив сурутда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади.

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда.

Самарадорлик энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг «кўзгуси» ҳисобланади. Бу «кўзгуда» ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Бунинг учун маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ҳафтасидаги фарқ тармоқ ва корхона фаолиятининг «кўзгуси» бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришдан иборат.

Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақазо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб, кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар; б) меҳнат ресурслари; в) молиявий ресурслар; г) энергетик ресурслар; д) ахборот ресурслари; яъни инфорацион ресурслар. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай

фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг аниқ-равшан йўналишлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатиб берилган. Улар тўғрисида шу бобнинг 3-параграфида батафсил сўз юритилган.

## **6.2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезони ва кўрсаткичлари. Харажатларнинг умумий ва қиёсий самарадорлиги**

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

$$C = \frac{\text{натижа}}{\text{харажатлар}} = \frac{\text{натижа}}{\text{мехнат, моддий ва молиявий ресурслар}} .$$

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини фарқлайдилар. Самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш шартли бўлиниш ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларнинг ҳаммасини иқтисодий ва маълум маънода, ижтимоий самара деб айтиш мумкин.

Бу ерда: шуни эслатиб ўтиш керакки, иқтисодий ва ижтимоий тушунчаларнинг сунъий бўлиши ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин, иқтисод ижтимоий ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодсиз бўлмайди. Демак, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Чунки

амалга оширилган ҳар бир иш айна вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш — бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижаси. Иқтисодий самара — материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор. У вақтни тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш иш вақтининг зое кетишини камайтириш, маблағлар оборотини тезлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

Ижтимоий самарадорлик шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини ифодалайди. У меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади ва асосий озиқ-овқат, саноат товарларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш бўйича харажатларнинг ўсиши билан тавсифланади.

Ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида вужудга келаётганини ва бирлашиб бажарилган меҳнат туфайли ишловчилар ўртасидаги муносабатлар таърифланишини назарда тутсак, уларни ижтимоий-иқтисодий самара деб атасак бўлади.

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти унинг мезони ва кўрсаткичлар тизимида акс этади.

Мезон масаласи иқтисодий самарадорлик назариясининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Фалсафий маънода мезон - бу, асосий ўлчов, муҳим фарқли белги, асосий нуқтаи назардир. Шулар асосидагина у ёки бу соҳадаги бизнинг билимларимизнинг объектив ҳақиқатлигини, тўғрилигини ва ишончлилигини аниқлаш, ҳақиқатни англашмовчиликлардан фарқ қилиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак. Демак, самарани ўлчаганда мезон сифатида жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлигини ошириш қабул этилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий (мутлоқ) самарадорлиги деганда, харажатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштирилган ёки таққосланган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман, халқ хўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими, капитал сиғими киради.

Меҳнат сиғими миллий даромад, соф, ялпи, товар маҳсулотнинг ёки натурал шаклда ифодаланган маҳсулот бирлигига сарфланган харажат миқдорини тавсифлайди.

Маҳсулотнинг сермеҳнатлилиги - муайян турдаги маҳсулотни (масалан, битта тракторни, костюмни ёки кўйлакни) ишлаб чиқаришга сарф бўлган иш вақти миқдорини ифодаловчи кўрсаткичдир.

Меҳнат сиғимининг уч тури бўлади: технологик, тўла ва халқ хўжалиги меҳнат сиғими. Меҳнат сарфини ҳисобга олиш жиҳатига қараб, у яна уч турга: режали меҳнат, норматив меҳнат ва ҳақиқий (амалдаги) меҳнат сиғимларига бўлинади.

Меҳнат сиғими бевосита сарф (асосий ҳодимлар сарф қилган меҳнат) бўйича, тўла сарф (ёрдамчи ҳодимлар сарф қилган меҳнат) бўйича ҳамда умумий ижтимоий маҳсулот ёки миллий даромад қийматига нисбати билан

белгиланади. Айрим комплекслар ва уларнинг тармоқларида, корхоналарда эса, моддий сарфлар микдорининг қийматига нисбатан белгиланади:

$$M_c = \frac{M_x}{T_{mx}}$$

Кўпинча амалиётда меҳнат сиғимининг бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ) кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$M_y = \frac{T_{mx}}{M_x}$$

Меҳнат унумдорлиги - инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқаришнинг материал сиғими — маҳсулот (иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш) бирлигига кетадиган ва унда ифодаланадиган моддий ресурслар (хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олинadиган бўтловчи буюмлар ва яримфабрикатлар, ёқилғи ва энергия) ялпи сарфини тавсифловчи кўрсаткичдир. У қуйидаги формула ёрдамида ифодаланади:

$$M_c = \frac{M_p}{T_{mx}}$$

Ишлаб чиқаришнинг фондталаблиги маҳсулот бирлигига (натурал ёки қиймат доирасида) тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини тавсифловчи кўрсаткичдир. Фонд сиғими ( $\Phi_c$ ) асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади ва бу фондлар ўртача йиллик қийматининг ( $\Phi$ ) маҳсулот ҳажмига ( $M_x$ ) нисбатини ифодалайди:

$$\Phi_c = \frac{\Phi}{M_x}$$

Бу мидқорнинг тескариси фонд самараси (натижаси) ёки фонд қайтими ( $\Phi_k$ ) деб юритилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\phi_k = \frac{Mx}{\Phi}$$

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолашда капитал қўйилмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш фондларини қайта такрор ишлаб чиқаришнинг янги асосий ва айланма фондларини яратиш учун зарур бўлган жамғарма фондлари самарадорлигини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими капиталталаблик ёки капитал сифими ҳисобланади. Бу кўрсаткич ( $K_c$ ) капитал маблағлар ( $K$ ) ёрдами билан тайёрланган маҳсулотнинг кўпайган қисмига нисбати билан ифодаланади:

$$K_c = \frac{K}{\Delta Mx}$$

Юқорида келтирилган ва бошқа бир қатор табақалаштирилган (дифференцияланган) кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш ва ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди, харажатлар ва ресурслар асосий турларининг қайтариб берилишини тавсифлайди. Лекин, фақат бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига баҳо бериш қийин, чунки улар ўзгаришнинг характери ва динамикасини таққослай олмайди. Ундан ташқари, баъзи даврларда улар ҳар хил йўналишда ўзгарадилар. Масалан, саноатда меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан ошмоқда.

Иқтисодий самарадорликни режалаштириш ва таҳлил этиш нафақат харажат ва ресурслар асосий турларидан фойдаланиш даражасини таҳлил этишни, балки унинг бутунлай ўзгаришини, йиғинди (интеграл) самарадорлигини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Мана шу мақсадда иқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи, комплекс кўрсаткичлари

ҳисоблаб чиқилади ва ишлаб чиқаришнинг оқибат-натижалари шу кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилади. Бундай кўрсаткичлар турли харажатлар ва ресурсларнинг даражасини йиғилган турда, ҳар хил омилларнинг таъсирини ҳисобга олади.

Ишлаб чиқариш - техник вазифани ҳал этишнинг бирор вариантынинг ижтимоий-иқтисодий афзаллигини асослаб бериш, тақдим этилган вариантлардан энг самаралисини танлаб олиш мақсадида аниқланадиган самарадорлик қиёсий самарадорлик деб аталади. Қиёсий самарадорлик икки ва ундан ортиқ вариантни таққослаш ва шу асосда бир вариантнинг бошқа вариантлардан устунлиги ва оптималлигини аниқлаб беради.

Оптимал вариантни танлаш ҳамда уни асослаш учун қўшимча капитал маблағларнинг қопланиш муддати ёки қиёсий самарадорлик коэффицентини ҳисоблаб чиқиш ва улар миқдорини норматив қиймати билан таққослаш керак.

Қўшимча капитал маблағларнинг ўзини қоплаш муддати (B) қўшимча капитал маблағларнинг ( $K_2 - K_1$ ) маҳсулот таннархини пасайтиришдан олинган тежам ( $T_1 - T_2$ ) га нисбати билан аниқланади:

$$B = \frac{K_2 - K_1}{T_1 - T_2}$$

Бу ерда:

B - қопланиш муддати (йил ҳисобида);

$K_1$  ва  $K_2$  - вариантларни жорий этиш учун керак бўлган маблағлар миқдори;

$T_1 - T_2$  - таққосланадиган вариантларнинг эксплуатация харажатлари.

Қўшимча капитал маблағларнинг қиёсий самарадорлик коэффицентини (E) қопланиш муддатининг тескари ифодаси ҳисобланади ва таннархни пасайтиришдан олинган тежамнинг қўшимча капитал маблағлар миқдорига нисбати билан аниқланади:

$$E = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1} \text{ ёки } \frac{1}{B}$$

Келтирилган харажатлар, уларнинг вазифаси ва уларни ҳисоблаш усули. Келтирилган харажатлар капитал маблағларнинг сиёсий-иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, техникавий ва иқтидий масалаларни ҳал қилиш вариантларининг энг яхшисини танлаб олишда қўлланилади. Бирон бир техникавий вазифани ҳал этишнинг, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари, техникавий ва ташкиллаштиришнинг мумкин бўлган вариантларини, маҳсулот сифатини оширишнинг турли усулларини таққослаганда бошқа шартлари тенг бўлиб қолса, келтирилган харажатлар минимум бўлишини талаб қиладиган вариант энг яхшиси ҳисобланади. Бир неча вариантлардан энг яхшисини танлаб олиш учун қуйидаги келтирилган харажатлар формуласидан фойдаланиш керак:

$$C + E_n \cdot K \rightarrow \min$$

Бу ерда:  $C$  - муайян вариант бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот таннари;

$E_n$  - капитал маблағлар самарадорлигининг норматив коэффиценти;

$K$  - бир йўла солинадиган капитал маблағларнинг йиғиндиси.

Халқ хўжалигида янги техника, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини белгилаш методикасида самарадорликнинг норматив коэффиценти халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун 0,15 га тенг қилиб олинган.

Келтирилган харажатларни аниқлаш эски техника ўрнига янгисини яратиш ва қўллаш натижасида ҳосил бўладиган иқтисодий самарани баҳолашга халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ёндошишни тақозо этади.

Йиллик иқтисодий самара — бу, янги техника, технология ва прогрессив маҳсулот турларининг, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини тахлил этиш ва баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич қиёс қилинадиган вариантлар бўйича сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$Й = [(T_1 + E_n \cdot K_1) - (T_2 + E_n \cdot K_2)] \cdot A_2$$

Бу ерда: Й — йиллик тежам;

$T_1$  — янги техника бўйича тадбирлар жорий қилингунгача бўлган маҳсулот ёки иш бирлигининг таннархи (сўм ҳисобида);

$T_2$  — шунинг ўзи, тадбирлар жорий қилингандан сўнг (сўм ҳисобида);

$K_1$  —тадбирлар жорий қилингунгача маҳсулот бирлигага сарфланган капитал маблағлар миқдори;

$K_2$  — шунинг ўзи, тадбирлар амалга оширилгандан сўнг;

$A$  —янги тадбирлар амалга оширилгандан бошлаб тайёрланадиган йиллик маҳсулот ёки ишларнинг натура бирлиги.

$E_n$  —капитал харажатларнинг нормадаги қиёсий самарадорлиги коэффиценти.

$U$  янги капитал қўйилмаларнинг минимал даражадаги иқтисодий самарадорлигини ҳамда бир сўмлик капитал қўйилма бир йилда маҳсулот таннарҳини неча тийинга камайтира олишни билдиради. Масалан, саноат тармоғи учун белгиланган самарадорлик коэффиценти нормаси 0,15 бўлса, бу шу тармокда ҳар бир сўм капитал қўйилмалар маҳсулот таннарҳининг пасайиши ҳисобига энг ками билан 15 тайинлик тежам, фойда бериши зарур. Самарадорлик коэффиценти «0»дан «1»га қанча тез интилса, самарадорлик шунча юқори, харажатларнинг режали қопланиш муддати эса шунча қисқа бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси хилма-хил, бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар таъсирида ташкил топади ва шаклланади. Ҳар бир комплекс, тармоқ ва корхона учун унинг техник-иқтисодий хусусияти сабабли самарадорликни оширишнинг ўзига хос омиллари мавжуд.

### **6.3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг**

#### **омиллари ва йўллари**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлари мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни

ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Омилларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғами ҳамда капитал маблағ талабликни камайтириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексида иборат. Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;

- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.

Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш тармокда ислохотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник

ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги микдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилининг роли бекиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг кудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ҳодимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилининг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

## Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқаришнинг **ижтимоий-иқтисодий** самарадорлиги муҳим категория сифатида, умуман олганда, ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини, эришилган натижа билан жонли ва буюмлашган меҳнат ўртасидаги нисбатларни ўрганади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигининг доимий ошиб бориши объектив зарурат ҳисобланади ва миллий даромаднинг кескин кўпайишига имконият яратиб беради.

Самарадорлик умумий назариясида мезон муаммоси, яъни баҳолаш ўлчови, асосий нуқтаи назар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлиги ўсиши самарадорликнинг мезони ҳисобланади.

Иқтисодий ҳисоблаш ва таҳлил тажрибасида икки хил самарадорликни фарқлайдилар. Биринчи — умумий (мутлақ) самарадорлик, иккинчиси — қиёсий самарадорлик.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигининг даражаси бир-бири билан боғлиқ ўзаро турли хил омиллар таъсири остида шаклланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Самарадорлик тушунчаси нимани англатади? Унинг қандай турлари бор? Мезони ва кўрсаткичлари нималардан иборат?

2. Мутлақ иқтисодий самарадорлик нима? Уни қайси усулида ҳисобланади?

3. Ишлаб чиқаришнинг қиёсий-иқтисодий самарадорлиги деганда нимани тушунасиз?

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қайси омиллар таъсир этади?

5. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қандай асосий йўллари бор?

## Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи. 2007 йил, 15 март.

2. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил, 31 август.

3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи. 2008 йил. 9 февраль

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халф сўзи, 2008 йил, 6 декабрь.

6. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. №4 2006 йил 6 январь.

7. «2006 йилда ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

8. «2007 йилда ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2008 йил 13 февраль.

9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил, 14 февраль.

10. Промышленность Республики Узбекистан. 2000-2008. Статистические сборники.

11. <http://www.press-service.uz> – «Президент сайти».

12. <http://www.gov.uz> - «Хукумат сайти».

13. <http://www.tsue.uz> – «Университет сайти»